

ЎЗБЕКИСТОНДА МОЛИЯ БОЗОРИ ИЛМИЙ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Юсупов Бобур

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Бизнес ва
Олий мактаб тингловчиси*

Иқтисодиётнинг ривожланиши тарихига назар ташланса, молия бозорини авваламбор инсоният жамиятида пулнинг пайдо бўлиши ва у билан боғлиқ бозор муносабатларини амалга оширила бошлашдан шаклланишини кўриш мумкин. Асрлар давомида молия бозори, унинг мазмуни ва унга оид тушунчалар шаклланиб ва узлуксиз ривожланиб келмоқда. Бунга сабаб, инсон цивилизациясининг молия соҳасидаги тажрибасини бойиши, унда шахсларнинг (юридик ва жисмоний) молиявий муносабатлари ва қизиқишлари энгайиб, мақсадлари ва фаолият турлари ортиб, манфаатлари тобора ўсиб, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари борган сари мустаҳкамланиб ва таъминланиб боришидадир.

Бозорнинг энг юқори даражада ривожланган тури молия бозори ҳисобланади. Ҳозирда молия бозори юқори даражада ташкиллашган ва узлуксиз ривожланаётган, борган сари жаҳон миқёсида глобаллашиб бораётган алоҳида бир бутун ва ўз муҳитига эга муносабатлар ва институтлар (қатнашчилар) мажмуаси сифатида намоён бўлувчи мураккаб тизим еканлиги аниқ бўлмоқда. Бунда молия бозорлари нафақат миллий иқтисодиёт, балки глобал иқтисодиёт ривожини белгиламоқда. Унинг мазмун-моҳияти қуйидаги концептуал тушунча ва қонуниятлар асосида белгиланади.

Молия бозорини, умуман олганда, қуйидагича таърифлаш мумкин.

Молия бозори – бу монетизациялашган реал инвестицион базисга эквивалент молиявий инструментлар билан боғлиқ ташкиллашган иқтисодий-ҳуқуқий механизм билан таъминланган муносабатларни мақсадли амалга оширувчи, иқтисодиёт субъектлари учун зарурий бозор шароитларини яратиб берувчи мажмуа сифатида намоён бўлувчи тизим.

“Молия бозори - пул капиталининг ҳаракатланиши билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар ва институтлар мажмуидир”.

“Молия бозори - молиявий воситалардан фойдаланган ҳолда молиявий битимларни амалга ошириш соҳаси”.

“Молия бозори - ортиқча маблағларга эга одамлардаги пул маблағларини пул маблағлари этишмаётганларга ўтказиб беришга хизмат қилувчи бозор” .



1-расм. Молия бозори сегментларининг молиявий инструментлари⁹

1-расм. Молия бозорининг таркибий тузилиши ва инструментлари⁴²

Молиявий ресурсларни жалб қилишда фойдаланувчи усулларни асослашда назарий ва амалий ёндашувларни таҳлил қилиш маҳаллий, миллий ва жаҳон капитал бозорларига нисбатан қуйидаги хулосаларни чиқариш имконини берди:

- биринчи навбатда, молиявий ресурсларни жалб қилиш усуллари молиявий менежментнинг мақсадларига мос равишда фарқланади;

- иккинчидан, молиявий ресурсларни жалб қилиш усуллари капитал бозорининг сегментлари ва турлари бўйича ўз хусусиятларига эга;

- учинчидан, молиявий ресурсларни жалб қилиш усуллари молиявий воситалар асосида аниқланади;

- тўртинчидан, молиявий ресурсларни жалб қилиш усуллари қуйидаги параметрлар: молиявий ресурсларни жалб қилиш мақсадлари, ҳажми ва шартлари, компаниянинг ташкилий ва иқтисодий хусусиятларига боғлиқ.

Молиявий ресурсларни жалб қилиш жараёнида фойдаланилувчи молиявий инструментларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда иқтисодиётнинг корпоратив секторида капитал бозори сегментларининг ўзаро муносабатлари шаклланади. Ўз навбатида, сегментлар ўзаро таъсирининг хусусиятлари ва даражасини таҳлил қилиш қимматли қоғозлар бозори ва кредит бозорининг (кучли, ўрта, заиф) уч турдаги ўзаро боғлиқлигини аниқлаш ва тавсифлаш имконини беради.

⁴² Иқтисодий адабиётлар манбаси асосида муаллиф ишланмаси.

Лекин ҳар қандай бозорни у ёки бу белги асосида таснифланишининг мазмуни унинг товари хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда амалий аҳамияти билан белгиланишини ҳисобга олсак ҳамда, агар кўрилаётган бозор турларидаги товарларни хусусияти, келиб чиқиши ва уларнинг бозор муомаласини бир-бири билан таққослайдиган бўлсак, албатта сезиларли фарқ намоён бўлади. Масалан, ишлаб чиқариладиган товарлар муомаласи учун уларга ҳос бўлган бозор зарур, қимматли қоғозлар учун эса фақат молия бозори, пул (валюта) ва кредитлар учун – мос равишда пул бозори ва кредитлар бозори бўлиши керак ва ҳ.к. Бунда реал товар, молия инструментларидан фарқли, бир ёки бир неча маротаба олди-сотти бўлади, қимматли қоғозлар эса чекланмаган мартта олди-сотти бўлиши мумкин. Умуман олганда товар кимнингдир томонидан ишлаб чиқарилади, молиявий инструмент (жумладан қимматли қоғоз) эса муомалага чиқарилади.

Молия бозори ҳар қандай мамлакатнинг умумий бозорини таркибий, аммо, асосий ва алоҳида қисмидир. Лекин, молия бозорининг асоси реал товарлар бозоридир. Бунда молия бозори реал иқтисодиёт ва товар бозорининг устқурмаси сифатида намоён бўлиши билан бирга товар бозори ва иқтисодиётни молиявий таъминлайди ва мувофиқлаштиради, умуман иқтисодиётнинг объектив ҳолатини ифодалайди ва ривожланишини белгилайди.

Товар иқтисодиётининг асосий мақсадларидан бири фойда олиш бўлганлиги учун ундаги ҳар қандай фаолият капитални орттириш соҳаси бўлиши зарур. Шу муносабат билан ҳар қандай бозор – бир вақтнинг ўзида капиталларга қўйилмалар учун мулжалланган бозор ҳамдир.

Пул маблағлари товарнинг ҳар қандай турига (жумладан қимматли қоғозларга) қўйилиши (йўналтирилиши) мумкин. Бунинг барча ҳолатларида йўналтирилган пул маблағлари вақт мобайнида ўз орттирмасига (ёки зарарига) эга бўлиши, яъни фойда ёки зарар келтириши мумкин. Аммо, бу ҳолатларнинг барчасида бошланғич пул маблағини жамғариш ёки топиш жараёни мавжуд эмас, ҳар қандай капиталга пул маблағини қўйиш учун бошланғич жамғармага эга бўлиш ёки топиш имкониятини бермайди.

Бошқа соҳалардан фарқли молия бозори эса ушбу имкониятни берувчи, унинг учун зарурий шарт-шароитларни яратувчи муҳит, алоҳида иқтисодий-ҳуқуқий механизм билан таъминланган, институтлари (қатнашчилари) ва уларнинг молиявий инструментлар билан боғлиқ муносабатлари мажмуаси сифатида намоён бўлувчи тизимдир.

- талаб ва таклифни объектив мутаносиблиги;
- молия бозори инфратузилмасини самарали фаолияти;
- бозор қонунлари, тамойиллари ва қонунчилигини ҳукм суриши;
- молиявий барқарорлик, рақобатбардошлилик ва ҳавфсизлик, рискларни башоратлилиги.

Молия бозорида молиявий ресурслар жарғармачилардан истеъмолчиларга томон ва аксинча йўналишда ҳаракат қилади. Бунда жамғармалар инвестицияларга трансформацияланади (айланади).

Молия бозорида ресурслар ҳаракати қуйидаги омилларга боғлиқ:

- бозорнинг даромадлилик даражаси;
- бозорни солиққа тортиш шарт-шароитлари;
- капитални йўқотиш ёки назарда тутилган фойдани ололмаслик rischi;
- бозорни самарали институционал ва функционал ташкиллашгани;
- бозорни самарали мувофиқлаштирилганлиги ва назорат қилиниши;
- молиявий инструментларнинг реал базис билан таъминланганлиги ва шу асосда иқтисодиёт ва молия бозорини эквивалентлиги;
- жамиятнинг менталитети ва танлаб олган ривожланиш модели;
- макро ва микроиқтисодий барқарорлик.

Қайси мамлакат мисолида бўлмасин, молия бозорини ривожлантириш билан боғлиқ масалалар тадқиқ етилаётган пайтда, биринчи навбатда, эътиборга олиниши лозим бўлган жиҳат молия бозорининг мазмун-моҳияти, таснифи, ўзига хос хусусиятлари хусусида бир тўхтамга келиш ҳисобланади. Чунки ушбу масалаларга аниқлик киритмасдан ва бу борада умумий позицияни шакллантирмасдан туриб, молия бозорини ривожлантириш хусусида фикр юритиш маълум бир ноаниқликларни келтириб чиқарадики, улар, пировардида, нотўғри қарорлар қабул қилинишига олиб келиши ҳам мумкин.

Қайд этиш жоизки, айрим манбаларда қимматли қоғозлар фақат мулккий муносабатлар сифатида ҳам кўриб чиқилган. Ваҳоланки, бугунги кунда қимматли қоғозлар акциядорларнинг компания умумий йиғилишида овоз бериш ҳуқуқи, эмитентнинг фаолияти тўғрисидаги ахборотни талаб қилиш ҳуқуқи каби номулкий ҳуқуқларни ҳам акс эттириши ҳаммага маълум.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.02.2021-й., 03/21/671/0093-сон.
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.04.2021-й., 03/21/689/0395-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021-й., 03/21/683/0375-сон.
4. Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги 913-ХП-сон Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021-й., 03/21/683/0375-сон.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 30-июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепсияси

тўғрисида”ги ПФ-5468-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.03.2020-й., 06/20/5968/0331-сон.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 29-декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2018-йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметлари тўғрисида”ги ПҚ-3454-сонли қарори // **Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 31.12.2017 й., №07/17/3454/0484.**

7. “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 29- июндаги Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепсияси тўғрисида”ги ПФ-5468 сонли фармони.

8. Ўзбекистон Республикасининг 2020-йил 25-декабрдаги “2021-йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида” ЎРҚ-657-сон Қонуни <https://lex.uz/docs/-5186044>

9. Ўзбекистон Республикасининг 2021-йил 30-декабрдаги “2022-йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида” ЎРҚ-742-сон Қонуни <https://lex.uz/docs/-5801127>

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони <https://lex.uz/docs/3107036>

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги “2022-2026-йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ-60- сонли Фармони [хттпс://lex.uz/uz/doss/-5841063](https://lex.uz/uz/doss/-5841063)